



ГЕЛМИНТОЗ БИЛАН КАСАЛЛАНГАНЛАРНИНГ ЁШИ ВА ОЙЛАР БЎЙИЧА КЎРСАТКИЧЛАРИ (ТОШКЕНТ ШАҲРИ МИСОЛИДА)

Умбарова Сабина Тўлқин қизи
Гигиена кафедраси клиник ординатори

Бегимов Абдулла Ваҳоб ўғли
Гигиена кафедраси клиник ординатори

Илмий раҳбар:
Файзибоев Пирмамат Нормаматович
Самарқанд давлат тиббиёт
университети
Гигиена кафедраси мудири т.ф.д.
доцент

Аннотация: Установлено, что паразитарные заболевания в больших количествах встречаются в основном в странах с теплым и тропическим климатом.

Наиболее высокая заболеваемость зарегистрирована среди детей сельского населения. Заболевания, относящиеся к паразитарным, считаются лидирующими у народов Севера, Сибири, Дальнего Востока и Северного Кавказа. По данным ВОЗ, в настоящее время они занимают 2-е место в мире после респираторных заболеваний.

Ключевые слова: Гельминтоз, паразиты, дошкольное образование, среди детей, по возрасту населения и сезонам.

Abstract: It has been established that parasitic diseases occur in large quantities mainly in countries with warm and tropical climates. The highest incidence was registered among children of the rural population. Diseases classified as parasitic are considered leading among the peoples of the North, Siberia, the Far East and the North Caucasus. According to WHO, they currently rank 2nd in the world after respiratory diseases.

Keywords: Helminthiasis, parasites, preschool education, among children, by age of population and seasons.

Мавзунинг долзарблиги: Расмий маълумотларга кўра, гельминтоз касаллиги билан касалланиш ҳолатлари, болалар ўткир юқумли касалликлар салмоғида паразитозлар ЎРВИ дан сўнг 2-чи ўринни эгаллайр экан. Мактабгача таълим муассасаларида олиб борилган 1 соатли кузатув давомида 106 та болалардан 98 таси зарарли одат тусига кирган бармоқларни шимишни гувоҳи бўлди. Мактаб ёшидаги болаларни дарс давомида кузатилганда бундай одат 1-4 синифгача бўлган болаларнинг 91%да кузатилди, 5-9 синифгача эса бу кўрсаткич 43%ни ташкил қилган. Сўнгги йилларда гастроэнтерологик ва аллергологик касалликлар болалар орасида кенг тарқалган бўлиб, сабаби улар гельминтологик касалликларига боғлиқлиги аниқланган. Гельминтозларнинг клиник белгиларининг инфекцион ва ноинфекцион касалликлар белгиларига ўхшаш бўлиб, касалликни ўз вақтида аниқлаш анча қийинчилик туғдиради. Бу




кўпинча болаларда анемия, сурункали ошқозон ичак бузилишлари, аллергия реакциялар каби асоратларга олиб келади. Ушбу иш айтиб ўтилган вазифаларни ҳал этишга бағишланган. Бу эса бажарилган илмий ишнинг долзарблиги ва замонавийлигини кўрсатади.

Мақсад: Республика ва Тошкент шаҳрида гелминтоз касалликлари билан касалланиш сабабларини аҳолининг ёши ва мавсумлар бўйича келиб чиқиш тенденцияларини солиштирган ҳолда касалланиш кўрсаткичига таъсирини ўрганиш.

Тадқиқотнинг материаллари: Республика ва Тошкент шаҳар Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматининг гелминтозлар билан касалланиши бўйича ойма-ой, йил фасллари бўйича олинган расмий ҳисоботлардан ва эпидемик ўчоқларида ўтказилган эпидемиологик текширув натижалари маълумотларидан фойдаланилди.

Тадқиқот натижалари:

Олиб борилган изланишларга асосланиб шуни айтишимиз мумкинки, Тошкент шаҳар шароитида тениаринхоз ва эхинококкоз каби гелминтозлар билан кўпроқ катталар, аскаридоз, гименолепидоз ва энтеробиоз кабилар билан эса болалар касалланар эканлар (1-расм).



Болаларда кўп учрайдиган гелминтозлар ёш таркиби қуйидагича эканлиги маълум бўлди. Аскаридоз аниқланган болаларнинг 25,0% 0 - 3 ёшгача, 58,0% 3 дан 7 ёшгача ва 17,0% 7дан 14 ёшгача болалар экан. Гименолепидоз ва энтеробиозга нисбатан олинган рақамлар ҳам қуйидаги жадвалда келтирилган (1 жадвал).



1 жадвал

Болаларда кўп учрайдиган гелминтозларнинг ёшлар бўйича таркиби.


Гелминтозлар	Болаларнинг ёш таркиби, %		
	0-3 ёшгача	3-7 ёшгача	7-14 ёшгача
Аскаридоз	25,0±2,28	58,0±2,6	17,0±1,99
Гименолепидоз	23,0±1,6	56,5±1,9	20,5±1,5
Энтеробиоз	25,0±0,2	66,0±0,25	9,0±0,13

Жадвалдан кўришиб турибдики, Тошкент шаҳрида мулоқот йўли билан юқадиган гелминтозлар билан асосан 3 ёшдан 7 ёшгача (мактабгача) бўлган болалар касалланар эканлар.

Айтиб ўтилган гелминтозлар билан касалланган болаларнинг уюшганлигини ўрганиш қуйидаги натижаларни кўрсатди. Аскаридоз билан касалланган бемор боланинг 31,0% уюшган, 69,0% эса уюшмаган эканлиги маълум бўлди. Гименолепидоз ва энтеробиозга нисбатан қуйидаги маълумотлар олинди: 64,0% ва 36,0%, ҳамда 76,0% ва 24,0% тегишлича.

2-расм.

Бемор болаларнинг уюшганлик таркиби



Олинган рақамлар шуни кўрсатадики, Тошкент шаҳри шароитида аскаридоз билан кўпроқ уюшмаган, гименолепидоз ва энтеробиоз билан эса уюшган болалар касалланар экан.

Аскаридоз билан уюшмаган болаларнинг (3 ёшдан 7 ёшгача) кўпроқ касалланишига уларнинг зарарланган тупроқли майдонлар ва далаларда ўйнаши сабаб бўлиши мумкин.



Тошкент шаҳрида гелминтозлар билан касалланиш кўрсаткичларининг йил ойлари бўйича тақсимланишини ўрганганимизда, мазкур касалликларнинг бутун йил мобайнида қайд этилиши кузатилди, лекин уларнинг турли ойларидаги жадаллиги кескин тафовутга.

Хусусан, аскаридоз билан касалланишнинг энг юқори кўрсаткичлари май-июл ойларида тўғри келган, шунингдек, тениаринхоз учун “хавфли давр” май-июл ойлари эканлиги аниқланди. Эхинококкоз билан касалланган беморлар асосан апрел-май ойлари қайд қилиниши маълум бўлди. Булардан фарқли ўлароқ, мулоқот йўли билан юқувчи гелминтозларнинг йил мобайнида нисбатан тенг тақсимланиши кузатилиб, гименолепидоз учун касалланиш кўрсаткичларининг бир оз кўтарилиши ноябр-декабр ойларида қайд қилинган бўлса, энтеробиоз беморларида бу ҳолат март-апрел ойларида тўғри келиши аниқланди.

Амалга оширилган изланишларнинг натижалари шуни кўрсатадики, Тошкент шаҳрида қайд этилаётган гелминтозлар йилнинг барча ойларида учрайди, аммо аскаридоз, тениаринхоз ва эхинококкозларга йилнинг иссиқ ойларида кўтарилиш ҳос бўлса, гименолепидоз билан касалланганлар ноябр-декабр ойларида, энтеробиоз касаллари эса март-апрел ойларида биров кўпроқ аниқландилар.

Тошкент шаҳри шароитида асосан мулоқот йўли билан юқадиган гелминтозлар (гименолепидоз ва энтеробиоз) кўпроқ учрайди ва беморларнинг асосий қисмини болалар ташкил этади. Мулоқот йўли билан юқадиган гелминтозлар билан асосан 3 ёшдан 7 ёшгача (мактабгача) болалар касалланганлар. Тошкент шаҳрида аскаридоз кўпроқ уюлмаган, гименолепидоз ва энтеробиозлар эса, уюшган болалар ўртасида учрайди.

Аскаридоз ва тениаринхоз учун асосан йилнинг май-июн ойлари, эхинококкоз учун апрел-май ойлари, энтеробиоз учун март-апрел ойлари ва гименолепидоз учун ноябр-декабр ойлари бирмунча кўпайиш даври эканлиги аниқланди.

Хулоса: Шахсий гигиена тадбирларига қатий риоя қилиш. Паразитология соҳаси бўйича шифокорлар, ўрта ва кичик тиббиёт ходимларининг малакасини доимий равишда ошириб бориш. Режали оммавий текширувларда гелминтозлар билан касалланган беморларни фаол аниқлаш ва уларни даволаш. Инвазия тарқалишида асосий рол ўйнайдиган аҳоли гуруҳлари орасида беморларни аниқлаш. Беморларни даволаш жараёнида ташқи муҳитни уларнинг нажаси ва бошқа биологик ажратмалари билан зарарланишига йўл қўймаслик. Доимий равишда гелминтозларнинг юқиш мавсумини, гелминтозларнинг кўплаб нобуд бўладиган муддатларини аниқлаб бориш.



Фойдаланилган адабиётлар:

1. Файзибоев Пирмамат Нормаматович, Ибрагимова Файруза Собировна, Махмараймов Фузаил Ильхомович, Абдурахмонова Шахноза Сокиевич, & Файзибоев Бекзод Пирмаматович. (2024). ГИГИЕНИЧЕСКАЯ ОЦЕНКА КРИТЕРИЕВ БЕЗОПАСНОСТИ И ПИЩЕВОЙ ЦЕННОСТИ ПЛОДООВОЩНОЙ ПРОДУКЦИИ. INTERNATIONAL JOURNAL OF RECENTLY SCIENTIFIC RESEARCHER'S THEORY, 2(1), 71–76.
2. Гузеева Т.М. Пораженност и заболеваемость гельминтозами в Российской Федерации и факторы, определяющие эти показатели// Национальные приоритеты России. – 2009. №2. – С.18-19.
3. Денисенко О.В., Гапон М.Н., Гаевая Э.А. Микробиотсеноз кишечника людей с паразитарными заболеваниями// Медицинская паразитология и паразитарные болезни. 2012. - №3. – С.43.
4. Файзибоев П. Н. ИНСОН ОВҚАТЛАНИШИДА ҚАНДОЛАТ МАҲСУЛОТЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИ //GOLDEN BRAIN. – 2023. – Т. 1. – №. 6. – С. 47-51.
5. Файзибоев П. Н. и др. АҲОЛИНИНГ ТЎҒРИ ОВҚАТЛАНИШИДА МАҲСУЛОТЛАРИНИНГ БИОЛОГИК ҚИЙМАТИНИНГ ТУТГАН ЎРНИ //INTERNATIONAL JOURNAL OF RECENTLY SCIENTIFIC RESEARCHER'S THEORY. – 2023. – Т. 1. – №. 7. – С. 215-220.
6. Файзибоев П. Н. и др. ОЗИҚ-ОВҚАТМАҲСУЛОТЛАРИДАН БАКТЕРИАЛ ЗАҲАРЛАНИШНИ ОЛДИНИ ОЛИШДА НАССР ХАЛҚАРО ТИЗИМИНИ ТУТГАН ЎРНИ //INTERNATIONAL JOURNAL OF RECENTLY SCIENTIFIC RESEARCHER'S THEORY. – 2023. – Т. 1. – №. 7. – С. 226-229.
7. Файзибоев П. Н. и др. САБЗАВОТ, ПОЛИЗ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ЕТИШТИРИШ ЖАРАЁНЛАРИНИ ГИГИЕНИК БАҲОЛАШ //INTERNATIONAL JOURNAL OF RECENTLY SCIENTIFIC RESEARCHER'S THEORY. – 2023. – Т. 1. – №. 7. – С. 221-225.
8. Файзибоев П. Н. и др. ЎЗБЕКИСТОН ШАРОИТИДА ЭХИНОКОККОЗ КАСАЛЛИГИ БИЛАН КАСАЛЛАНИШНИНГ ЭПИДЕМИОЛОГИК ТАҲЛИЛИ //INTERNATIONAL JOURNAL OF RECENTLY SCIENTIFIC RESEARCHER'S THEORY. – 2023. – Т. 1. – №. 7. – С. 230-233.
9. Файзибоев П. Н. ЎЗБЕКИСТОН АҲОЛИСИНИНГ МИЛЛИЙ ҚАНДОЛАТ МАҲСУЛОТЛАРИ БИЛАН ОЗИҚЛАНИШИДА “НОВВОТ” НИНГ ТУТГАН ЎРИН //Журнал гуманитарных и естественных наук. – 2023. – №. 3 [2]. – С. 167-170.
10. Файзибоев П. Н. и др. ТЕХНОЛОГИЯ ПРИГОТОВЛЕНИЯ ИЗ НАЦИОНАЛЬНЫХ КОНДИТЕРСКИХ ИЗДЕЛИЙ НАВВАТА //INTERNATIONAL JOURNAL OF RECENTLY SCIENTIFIC RESEARCHER'S THEORY. – 2023. – Т. 1. – №. 6. – С. 149-153.
11. Файзибоев П. Н. ҚАНДОЛАТ МАҲСУЛОТЛАРИНИНГ ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАРДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ ТАШКИЛЛАШТИРИШ //INTERNATIONAL JOURNAL OF RECENTLY SCIENTIFIC RESEARCHER'S THEORY. – 2023. – Т. 1. – №. 3. – С. 290-295.



12. Файзибоев П. Н. и др. ЗНАЧЕНИЕ КОНДИТЕРСКОЙ ПРОДУКЦИИ В ПИТАНИИ ЧЕЛОВЕКА //INTERNATIONAL JOURNAL OF RECENTLY SCIENTIFIC RESEARCHER'S THEORY. – 2023. – Т. 1. – №. 3. – С. 282-289.
13. Файзибоев П. Н., Ахророва М. Ш. TISH KARIESI BILAN KASALLANGAN VA SOG 'LOM BOLALARNING OVQATLANISHINI VANOLASH //ЖУРНАЛ СТОМАТОЛОГИИ И КРАНИОФАЦИАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ.– 2023–Т. 4. – №.1.
14. Normamatovich F. P. PRODUCTION TECHNOLOGY OF NATIONAL CONFECTIONERY" NOVNOT" //Academia Science Repository. – 2023. – Т. 4. – №. 04. – С. 794-798.
15. Faiziboev Pirmamat Normamatovich, & Ochilov Sardor Abduganievich. (2023). METHOD OF PREPARING NOVNOT FROM NATIONAL CONFECTIONERY PRODUCTS IN UZBEKISTAN. *INTERNATIONAL JOURNAL OF RECENTLY SCIENTIFIC RESEARCHER'S THEORY*, 1(6), 160–164. Retrieved from <https://uzresearchers.com/index.php/ijrs/article/view/830>
16. Fayziboev Pirmamat Normamatovich. (2023). PRODUCTION TECHNOLOGY OF NATIONAL CONFECTIONERY "NOVVOT". *Academia Science Repository*, 4(04), 794–798. Retrieved from <https://academiascience.com/index.php/repo/article/view/131>
17. Faiziboev Pirmamat Normamatovich, Fakhritdinov Shokhrukh Fakhritdinovitch, Roziklov Dilshod Allayorovich, Obloberdiev Okhunjon O'tkirovich, & Fayziboev Bekzod Pirmamatovich. (2024). ESTIMATES OF CONSUMPTION OF CONFECTIONERY PRODUCTS IN THE AVERAGE DAILY DIETS OF THE POPULATION IN THE SUMMERAUTUMN SEASON. *INTERNATIONAL JOURNAL OF RECENTLY SCIENTIFIC RESEARCHER'S THEORY*, 2(1), 142–149.
18. Файзибоев Пирмамат Нормаматович, Нарзуллаева ГулмираТоштемир кизи, Фахритдинов Шохрух Фахритдин ўғли, & Файзибоев Бекзод Пирмамат ўғли. (2024). САБЗАВОТ ВА ПОЛИЗ МАҲСУЛОТЛАРИНИНГ ХАВФСИЗЛИК МЕЗОНЛАРИ ВА ОЗУҚАВИЙ ҚИЙМАТЛИЛИГИНИ ГИГИЕНИК БАҲОЛАШ. *INTERNATIONAL JOURNAL OF RECENTLY SCIENTIFIC RESEARCHER'S THEORY*, 2(1), 136–141.
19. Файзибоев Пирмамат Нормаматович, Ибрагимова Файруза Собировна, Махмараймов Фузаил Ильхомович, Абдурахмонова Шахноза Сокиевич, & Файзибоев Бекзод Пирмаматович. (2024). ГИГИЕНИЧЕСКАЯ ОЦЕНКА КРИТЕРИЕВ БЕЗОПАСНОСТИ И ПИЩЕВОЙ ЦЕННОСТИ ПЛОДООВОЩНОЙ ПРОДУКЦИИ. *INTERNATIONAL JOURNAL OF RECENTLY SCIENTIFIC RESEARCHER'S THEORY*, 2(1), 71–76.